

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТНИ АСРАШ МУАММОСИ

*Ш.М. Закиров, Ангрен университети
“Гуманитар ва ижтимоий - фанлар”
кафедраси доценти,
А.А.Джураев, Ангрен университети
“Гуманитар ва ижтимоий - фанлар”
кафедраси доценти,*

Аннотация: Глобаллашув жараёнлари миллий маънавиятга кучли таъсир ўтказди. Ушбу шароитларда турли ғоялар, оқимлар ва мафкураларнинг маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чораларини кўришимиз зарур. Шу боис мазкур мақолада маънавий қадриятларимизни асраш ва ўзлигимизни сақлаш омиллардан энг муҳими, яъни миллий маданий меросимизни жаҳон майдонида фаол тарғиб этиб ва салбий таъсирларга қарши иммунитетни кучайтириш тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, ғоя, қадрият, миллий ғоя, иммунитет, мафкура, миллий-маданий мерос, мафкуравий манзара, маданият.

Инсоният, XX аср охири – XXI аср бошларига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларига дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, террорчилик каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга, дунёда глобаллашув шароитида ахборот оқимининг тезлашуви ва фаоллашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормокда. Бутун ер юзи одамзот учун ягона макон эканлиги аниқ. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараён эса ҳарбий қурол-яроғларнинг мунтазам такомиллашиб бориши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва космополитизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормокда. Бу борада жамиятимизнинг кўпчилик қисмини ташкил этувчи ешларимизга эътиборни кучайтириш, уларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш тўғрисида таъкидлаб, Президентимиз : “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш,

хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур” [1],- деб айтган. Кишилиқ жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожлантиришга ҳам, айти пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб, ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилишга ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсоният тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл-шамойил, хусусият касб этди. Хориж олимлари аллақачон уларнинг энг ёвузлари ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг эркин тараққий қилишига “улкан тўсиқ” эканлигини алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас[2].

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган кучлар барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказди. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлганидагина муваффақият келтириши мумкин. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни таҳлил қилиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаш ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин. Шу муносабат билан мутафаккир Махатма Гандининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, – деб ёзади у, – чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимиздан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истайман”. Шу боис миллий ғоя бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айти пайтда, “довуллар”дан омон сақлаш омили эканлигини англаш мумкин.

Миллий-маданий қадриятларни бир уйда тўплаган бойликка ўхшатсак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устун қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ғоялар, оқимлар ва мафкураларнинг маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чораларини кўришимиз зарур. Ёт мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш мумкину, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда бирорта ҳам маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан ажратилган бўлсин. Ҳатто Австралия чакалакзорлари, Африка саванналари ва Жанубий Америка чангалзорларида турмуш кечириётган қабилалар ҳам замонавий дунёнинг таъсирини ўзида ҳис қилиб туради. Қолаверса, тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд

бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтарилганидан гувоҳлик беради. Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли Шарқ ва Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат ватанимизгина эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Масалан, шундай аждодларимиздан бири Абу Райҳон Беруний қадимги Хитой, Ҳиндистон, Греция ва Рим фалсафаси, табиий фанларни чуқур ўзлаштирган эди. Қадим манбаларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили – санскритни билиш лозимлигини англайди. У санскритни қисқа муддатда чуқур ўзлаштириб, қадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У, шунингдек, юнон ва рим маданияти, фанини ўрганиш учун юнон, лотин ҳамда қадимги яхудий тилларини ҳам ўзлаштирган. Аждодларимиз тажрибаси жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, чуқур ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради.

Шундай ғоялар борки, улар очик чеҳра билан кириб келади. Шундай ғоялар борки, улар “ўғри” каби туйнук қидиради. Очик чеҳралик ғоялар миллий маънавиятни бойитишга ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний – эзгу ғоялардир. Чунки миллий маънавият ўзаро таъсир жараёнида ривожланади[3].

Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удуми ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин. Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқин кўшни халқларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб боради.

Дунё бугун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда[4]. Демак, глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонгина бўлиб қолмай, фаол яратувчи ва тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз лозим.

Адабиетлар:

1. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши. <https://qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyicha-yigilish-utkazdi-31829>

2. Макбрайд У. Глобализация межкультурный диалог // Вопросы философии. – №1, 2003. – С. 84.
3. Джураев, А. А. (2023). SYSTEM ANALYSIS OF THE ONTOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE NATURE OF FREEDOM AS A FUNDAMENTAL VALUE. *ИССЛЕДОВАНИЕ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ*, 4(2).
4. Kayumov, B. I., & Zakirov, S. M. (2022). Innovation is the Movement Strength of the Government. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(2), 9-12.

